



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамова Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети


<b>1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова</b> ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
<b>2. Фуркат Бозоров</b> БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
<b>3. Муслима Базарова</b> ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
<b>4. Бахтиёр Болтабаев</b> XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
<b>5. Гулчехра Султанова</b> СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
<b>6. Холмамат Раупов</b> МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
<b>7. Саламат Сулайманов</b> XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
<b>8. Ислом Қаршиев</b> XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
<b>9. Манзура Хасанова</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
<b>10. Бахромжон Хайназаров</b> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
<b>11. Нодира Раджабова</b> “МАВРИГИ”ЛАР БУХОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
<b>12. Юлдуз Холхужаева</b> САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



**Нодира Мехмоновна Раджабова,**  
БухДУ мустақил изланувчиси,  
Абдурауф Фитрат номидаги Бухоро мақом  
санъатида ихтисослаштирилган мактаб-интернат

### “МАВРИГИ”ЛАР БУХОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА

**For citation:** Nodira M.Radjabova, “MAVRIGI” AS A RARE EXAMPLE OF BUKHARA SINGING ART. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.65-72

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482949>

#### АННОТАЦИЯ

Бухоро мусиқа ва қўшиқчилик санъатида мавригихонлик унинг ўзига хос туркум эканлиги, такомил масалалари муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур мақолада турли адабиётлар ва шахсий мулоқот материаллари асосида “Бухорча” ва “Мавриги” қўшиқларидан тузилган фольклоршунослигимиз муаммолари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Ушбу туркумнинг тарихий, этнографик ва мусиқашунослик нуктаи назаридан ўрганилмаган жиҳатлари имкон қадар очиб берилган. Ўзбек ва тожик фольклорининг қадимий асосга эга бўлган жанрлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Мусиқашуносликнинг манбашунослиги масалалари ҳам назардан четда қолмаганлиги мақоланинг моҳиятини ифодалайди.

**Калит сўзлар.** “Бухорча”, “Мавриги”, рақс, ички ҳовли, аёллар дастаси, “мучал тўйи”, “ҳинобандон”, чимилдик, мозий, маҳаллий, маҳорат, туркум, дутор, рубоб, доира, торли созлар.

**Нодира Мехмоновна Раджабова,**  
самостоятельный соискатель БухГУ,  
Бухарская специализированная школа-интернат  
искусства макома имени Абдурауфа Фитрата

### «МАВРИГИ» КАК РЕДКИЙ ОБРАЗЕЦ БУХАРСКОГО ПЕВЧЕСКОГО ИСКУССТВА

#### АННОТАЦИЯ

В музыкальном и певческом искусстве Бухары пение “Мавриги” является отдельной категорией, и вопросы совершенствования этого жанра имеют важное значение. В этой статье научно исследованы проблемы нашего фольклористического исследования, составленного из песен “Бухорча” и “Мавриги” на основе различной литературы и материалов личного общения. Максимально раскрываются неизученные аспекты этой категории с точки зрения исторической этнографии и музыковедения. Представлена информация о жанрах узбекского

и таджикского фольклора, имеющих древнюю основу. Тот факт, что вопросы источниковедения музыковедения также не остались за рамками обзора, выражает суть статьи.

**Ключевые слова:** «Бухорча», «Мавриги», танец, внутренний двор, женская группа, «мучальная свадьба», «хонобандон», «чимилдик», мозий, местный, умение, категория, дутор, рубаб, даира, струнные инструменты.

**Nodira M. Radjabova,**

Independent researcher of the Bukhara State University,  
The Bukhara specialized boarding school for the art of maqom  
named after Abdurauf Fitrat

## “MAVRIGI” AS A RARE EXAMPLE OF BUKHARA SINGING ART

### ABSTRACT

The fact that Moorishness is its own category in the art of Bukhara music and singing is important. In this article, on the basis of various literature and personal communication materials, the problems of our folkloristics composed of "Bukhorcha" and "Mavrigi" songs are scientifically researched. The unexplored aspects of this series from the point of view of historical ethnographic and musicology are revealed as much as possible. Information is provided about the genres of Uzbek and Tajik folklore that have an ancient basis. The essence of the article is that the issues of source studies of musicology are not left out of consideration.

**Index Terms.** "Bukhorcha", "Mavrigi", dance, inner yard, women's dasta, "muchal toyi", "hinobandon", chimildiq, mozi, local, maskar, tukurum, dutor, rubob, doira, strings.

**1. Долзарблиги:** Мазкур мавзу истиқлол йилларида миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келган қўшиқчилик санъати тарихини тикланишига хизмат қилади. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари ўзбек ва тожик халқи ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва байналминаллик тарбиясига хизмат қилиши билан ҳам долзарблик касб этади.

**2. Методлари ва ўрганилганлик даражаси:** Мазкур мақолани ёзишда тадқиқотлар олиб боришнинг синхрон, диахрон, синергетик, типологик қиёсий таҳлил, анализ ва синтез метод ва усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинар экан: М.Турсунзода, Н.Болдиоров, Б.Шермухаммадов, П.Солиев, Н.Нуржонов, З.Тожиқова, Х.Ҳамидовнинг китоб ва асарларидан фойдаланилди.

**3. Тадқиқот натижалари:** Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий натижалар олинди:

1. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари икки асрлик тарихга эга эканлиги илмий жиҳатдан ўрганилди.

2. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналарини ўзбек ва тожик халқлари бирдек қўйлаб такомиллаштириб келганликлари аниқланди.

3. Ушбу тароналарни истиқболда фольклорнинг қадимий асосга эга бўлган жанр сифатида чуқур ва атрофлича ўрганиш зарурлиги намоён бўлди.

Маълумки, “Бухорча” асосан бухороликлар орасида вужудга келиб, узоқ асрлар давомида ижро этиб келинган қўшиқлар туркуми саналса, “Мавриги” миграцион қўшиқ ва рақслардан таркиб топган гўзал силсила бўлиб, бухороликларнинг ижрочилик маҳорати ва поэтик санъаткорлиги туфайли сайқал топган фольклор асарлардир. Бу туркумларнинг ҳар бирининг ўзига хос тарихи, бадиий тадрижи ва ижро хусусиятлари мавжуд. Ҳозирга қадар бу туркум қўшиқлар филологик, тарихий – этнографик ва мусикашунослик нуқтаи назаридан ҳали ҳам ўрганилмаган. Бу ҳақда мавжуд фикр-мулоҳазалар эса етарлича далилий материалларга асосланмаган.

Маълумки, “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида ижро этилиши ҳам Бухоро қўшиқчилигига хос зуллисойнликнинг ўзига хос кўринишидир.

“Бухорча” кўшиқлари, асосан, тўй маросимларида айтилади ва маросим характерида келиб чиқиб туркум тароналари тугаганидан кейин ўша маросимга тегишли бўлган анъанавий кўшиқлар айтилади. “Мучал тўйи”, “Ҳинобандон”, “Чимилдиққа кирган келину куёв табриги”, “Шарбат ялтар”, “Келини хушрўй овардем”, “Саллабандон” каби маросим кўшиқлари ўзбек ва тожик фольклорининг жанрлар таркиби нақадар ранго-ранглигини намоён этиувчи асарлардир.

Бу кўшиқлар силсиласи ўзининг қадимий анъаналари ва бадиий матнларини яхлит ҳолда умумлаштирган ягона туркум бўлиб, бу бадиий ҳодиса фақатгина Бухорода сақланиб қолинган, ҳолос. Шунинг учун ҳам ўзбек ва тожик фольклорларининг қадимий асосларга эга бўлган жанрларини теран тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очади.

Шуниси ажабланарлики, мозий билан бўйлашадиган бу халқ ашула ва рақс туркумлари намуналари ҳозирга қадар мукаммал ёзиб олинмаган. Атоқли санъатшунос, профессор А. Кароматовнинг сай-ҳаракати билан чоп этилган “Мавриги” ашула ва рақс туркуми матнини мукаммал нашр дейиш қийин.

Қолаверса, ҳар иккала туркумдан ҳам айрим намуналар ёхуд узук-юлуқ парчаларгина нашр этилган ҳолос[1]. Рост, бу туркумлар табиатига оид айрим кузатишларни ифодаловчи мақолалар мавжуд. Чунончи, О.Сафаров, О.Атоев, Ф.Тўраевлар томонидан “Бухорча” ва “Мавриги” тароналарини китобининг яратилиши, йўқолиб бораётган туркум кўшиқлари жамланган энг охириги макамал асар десак муболаға бўлмайди. Ф.Кароматов, М.Нуржонов, Э.Тожиқова, Х.Ҳамидов ва О.Сафаровлар мақолалари шундай характерга эга[2]. Бирок мусиқий туркумларнинг пайдо бўлиши тарихи, ягона таркиби ва шаклланиш жараёни, ғоявий-бадиий мотивлари, рақслари табиатини, таркибий тузилиши, ижро хусусиятлари, шунингдек ижро жараёнида созлар нисбати, ижрочилар таркиби ва нисбати, кийим ва зебузийнатларининг ижрони тўлдириш, мукаммаллаштириш ва сайқаллаштиришдаги аҳамияти сингари муаммоларни мусиқашунослар, хореографлар ва фольклоршунослар ҳамкорлигида ўрганилиб, умумлаштирувчи жиддий бир монографик тадқиқот яратилганича йўқ. Натижада мусиқий туркумлар ижрочилигида “мулла билганича” қабилдаги муносабат тобора авж олаётир. Бу эса, ўз навбатида, замонлар синовиди ўзаро мураккаблашиб яхлит бир таркиб асосида уюшган мазкур туркумларнинг узук-юлуқ ижро этилишига тобора исиз йўқолиб боришига сабаб бўлмоқда. Баъзида ҳатто “Бухорча”ни “Мавриги”дан фарқ қилолмай, иккаласини бир ҳодисадай тушунувчилар ва тушунтурувчилар ҳам кузатилаётган эди, бу ташвишланарли ҳолдир.

Шундай ноаниқликлару янглиш талқинларга ўрин қолдирмаслик учун “Бухорча” ва “Мавриги” туркумларига дахлдор ҳар бир кўшиқ, ҳар бир куй ва ҳар бир рақсни имкон қадар аниқ ёзиб олиш, уларнинг хилма-хил вариантларини қиёслаш ва шу асосда нисбатан мукаммал нусхасини тиклаш, сўнгра унинг туркум таркибидаги қатъий ўрнини белгилаб туркумларнинг композицион таркиби, тартиби ва бир бутунлигини тиклаб, кўшиқларнинг асл матнларини куйи-нотаси билан нашр этган ҳолда, ҳар иккала мустақил ашула ва рақс туркумларига хос ғоявий-бадиий хусусиятларини илмий-эстетик жиҳатдан чуқур, теран ва яхлит ҳолда таҳлил қилинган бугунги аср бўлиб ҳисобланади. Бухорода айни замонгача яшаб, куйланиб келинаётган “Мавриги”лар айни Борбад яратган ўша куй ва кўшиқларнинг намуналари эмас, бунда “Мавриги” атамаси туркум номинигина эмас, балки мавригича усул ва услубларда ижро этилиши ва ҳатто туркумнинг Бухорога кўчиб ўтган кўшиқ ва куйларининг бевосита бухороликлар ижодкорлиги ва ижрочилигида ўзаро сингишиб кетиши оқибатида юзага келган ва композицион бир бутунлик касб этган намуналари эканлигини ҳам англатади.

Бундай ҳолатни “Мавриги” туркуми қисматида ҳам кўриш мумкин. Чинданда туркум таркибидаги кўшиқлар, рақслар, куйлар силсиласида турли даврларда, турлича муносабат билан мажбуран Бухорога кўчирилган марвликлар кўшиқлари-ю рақслари ва куйлари борлигини инкор этиб бўлмайди. Зеро, тарихдан маълумки, XVI асрда амир Убайдуллоҳон замонида, кейин Абдуллаҳон ҳукмронлиги даврида Марвдан Бухорога мажбуран кўчирилган муҳожирлар бўлган. Бу жараён, айниқса, XVIII асрда амир Шохмурод салтанати даврида янада

чуқурлашган. Бу хусусда тарихий манбаларда шундай маълумотларни учратиш мумкин. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган Мулла Абдулатиф хожанинг “Мажмуа” асарида: “...амир Шоҳмурод ўн етти марта қизилбошлар (форслар) устига юриш қилиб, Марв-Шоҳжаҳонни ҳам куч билан қўлга киритибди” – деб ёзса, бошқа бир тарихшунос Мирза Салимбек: “Кашкули Салимий” китобида “Амир Шоҳмурод Марв ҳокими Байрамалихоннинг зулмларидан жабр кўрган Марвнинг сунний аҳолиси таклифи билан Байрамалихонга қарши жанг бошлади ва уни қатл этди. Байрамалихоннинг пири бўлмиш Ҳожи Муҳаммад Хусайнхон ва 30 минг шиа мазҳабида бўлган марвликларни Бухорога олиб келди ва ўз укаси Умарбийни Марвга ҳоким этиб тайинлади. Марв дарёсининг қуйи оқимида қалъа барпо қилиб, унга Исломобод деб ном қўйди ва уни куёви Абдул-Лазиз хўжага берди. Бироз муддатдан сўнг амир Шоҳмуроднинг укаси Умарбий қалъани Абдул-Лазиз хўжадан тортиб олиб, уни ўз укаси Рустам Мирзога берди. Амир Шоҳмурод ўз укаси устига лашкар тортди, лекин Марв ва Исломободни қўлга кирита олмади. Сув тўғонини вайрон қилиб орқага қайтди. Тўрт йил мобайнида Марв сувсизликдан азоб чекди ва хароб бўлди. Марвда истиқомат қилаётган 2 минг сунний оилани ҳамда Умарбий лашкарларидан 400 нафарини асирга олиб, очлик ва ташналиқдан ўлдириш учун зиндонга ташлади. Умарбий ўз укаси ва оиласи билан Шаҳрисабзга қочиб кетди. Шоҳмурод бундан огоҳ бўлиб, Асадуллобийни Марв ҳокими этиб тайинлади. Ҳижрий 1211(милодий 1798 –О.С.) йил эса сув тўғонини қайта тиклади[3].” Марв аҳолисининг амир Шоҳмурод ғазabi туфайли Бухоро амирлиги худудига мажбурий кўчирилиши ҳақидаги маълумотларни Пўлат Солиев ва академик В.В.Бартольдлар ҳам тасдиқлайди[4].

Қолаверса, 1957 йилда чоп этилган “Ўзбекистон ССР тарихи” нинг 2-томида бу ҳодиса шундай изоҳланган: “1786 йилда Шоҳмурод Марв устига қатор юришлар бошлади. Биринчи юришдаёқ бу шаҳарнинг ҳокими Байрамали ўлдирилди, тузилган сулҳ шартномаси бўйича Байрамалининг ўғилларидан бири Марв ҳокими қилиб тайинланди. Шоҳмурод иккинчи марта юришида савдогарларнинг ёрдами билан мурғоб тўғонини кўриқлаб турган қалъани эгаллади ва тўғонни бузиб ташлашни буюрди. Бир неча соатдан сўнг Марв сувсиз қолди. Байрамалининг ўғиллари таслим бўлишга ва Бухорога кетишга мажбур бўлдилар: улар билан бирга Марв аҳолисининг бир қисми Бухорога кўчиб кетди[5]. Бу иқтибослардан шу нарса аён бўлдики, кўчирилган марвликлар фақат эронийлардан иборат бўлмай, улар сафида ўзбеклар, тожиклар ва туркманларга мансуб этник гуруҳлар ҳам бўлган. Чунончи, Қоракўл, Шофиркон ва Олот туманларида яшовчи чандирлар, шунингдек, Ромитан туманидаги Мўри (қачонлардир Маври бўлиб, давр ўтиши билан фонетик ўзгаришга учраган), Шофиркон туманидаги Маври ва Кўрпонгли қишлоқларида яшовчи аҳоли ўша даврда кўчирилган туркийнажот қавмлардан бўлиб, ҳатто ўз она юртлири Марв номи билан ҳамон ифтихор қилиб яшамокдалар. Ўшанда кўчирилган эронийларининг бир қисми Бухоро туманидаги Зиробод, Давлатобод, Ҳасанаттор ва Сарибозор қишлоқларида, шунингдек, Когон шаҳридаги Зирабод мавзеида жойлаштирилган бўлса, бошқа бир қисми Самарқанд ва Жиззах шаҳрида ўрнаштирилгани ҳам маълум. Қумработ ва Афшормаҳаллада яшовчи эронийлар эса мажбуран кўчирилганларга мансуб бўлмай, балки Нодиршоҳ уруғдошлари сифатида Бухорода имтиёз билан яшаб қолганлар гуруҳини ташкил этади. “Мавриги” Марвдан зўрлаб Бухорога кўчирилган нафақат барча марвликларнинг форс-тожик, балки туркман, ўзбекларнинг ҳам муштарак ижодий маҳсуллари дир. Бинобарин, уни фақат “Форс-тожик мероси намунаси”[6] ёки нукул “эронийлардан иборат этник гуруҳлар ижрочилигида учровчи ҳодиса”[7] сифатида қараш бир томонламаликка олиб келди, бу асл тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки ўша кўчирилганлар исташи ё истамаслигидан қатъий назар, маҳаллий аҳоли билан қўшилиб, улар билан иқтисодий-ижтимоий ва маданий- маънавий ҳамкорлик қилишган. Қолаверса, қўшничилик асосида қиз бериб-қиз олишга, турли маросимларни бирга ўтказишга мажбур эди. Бу ҳол уларнинг ўз репертуарларида олиб келган қўшиқлару оҳангларнинг ўзаро синтезлашувига олиб келди. Натижада “Мавриги”лар кейинги ривожланиши жараёнида маҳаллий колорит (руҳ) касб эта борди, бухороликлар ҳамнафаслигидан янада тиниқиб,

теранлашиб, тўлишиб композицион жихатдан бир бутунлик ҳосил қила борди. Зеро, Марвдан кўчирилганлар қайси миллатга мансубликларидан қатъий назар, бутун Марказий Осиёга тарқалганликларига қарамай, бу кўшиқлар фақат Бухородагина туркум сифатида шаклланди ва ҳамон яшамокда. Ҳатто у ўзга юртлик хонандалар репертуарида ҳам Бухорога мансуб кўшиқ сифатида куйлана бошлаганига ҳам икки асрча вақт ўтмоқда. Машҳур мусиқашунос Август Эйхгорннинг куйидаги мулоҳазаси диққатга сазовор. У 1870-1872 йилларда Ўрта Осиё бўйлаб фольклор экспедициясида бўлиб, маҳаллий халқнинг талай кўшиқ ва куйларини ёзиб олган эди. Жумладан, “Мавриги” намуналарига тўхталиб, шундай изоҳ берган: “Бухоролик мавриги” кўшиғи . Ўшга яқин Арабон қишлоғида заргар устаникида икки болакайнинг жўрнавозлигида куйланган кўшиқ”[8]. Сўнгра у шу кўшиқнинг 12 тактдан иборат 4/4 ўлчовдаги нотасини келтиради. Бунда диққатни тортадиган ҳолат шундаки, мавригиларнинг Эйхгорн таърифидан тушуниш мумкинки, бошқа ҳудудларда айтиладиган мавригилар айнан Бухорода тўла шаклланиб, шу жойдан тарқалганлигини англаш қийинчилик туғдирмайди. “Бухорча” ва “Мавриги” кўшиқ ва рақс туркумларининг юзага келиши ва шаклланиши жараёни ҳам икки асрлик тарихга эга. Зеро, Турон ва Эронда узоқ ўтмишдаёқ айрим машҳур шаҳарлар номига алоқадор куй ва кўшиқлардан таркиб топган “Хуросоний”, “Мозадароний”, “Нишопурий” (“Нишопурик”) сингари туркумлар юзага келганлиги маълум. Бу шаҳар маданияти ва турмуш тарзининг ривожланиши билан боғлиқ ҳодиса саналади. “Бухорча”, “Мавриги” ва “Каркигий” сингари кўшиқ ва рақслар туркумларининг шаҳар маданияти даврида юзага келганлиги – уларнинг ҳам мозий асрорига гувоҳ шаҳодатлардай узоқ тарихга бориб тақалишидан далолат беради. Бироқ, санъатшунос Н.Нуржоновнинг “Мавриги”лар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида тез ривож топди” [9], – деган фикри туркумнинг пайдо бўлиши тарихини эмас, балки Бухорода халқ орасида кенг тарқалиб, ривожланиб борганлигини англатади.

“Мавриги” миграцион кўшиқлар ва рақслардан таркиб топган туркум сифатида бухороликлар ижрочилигида сайқал топиб, бойиб борди. “Бухорча”лар аёллар томонидан ижро этилиб, хонадон ичкари қисмида анъанавий тантана ва аёллар иштирокидаги базмлардагина куйланадиган бўлса, “Мавриги”лар эса ҳамма замонларда ҳам эркаклар ижро этишган, фақат XX асрнинг 40 – 80-йилларидан эътиборан эркаклар гуруҳига кўшилган аёл хонандалар ва раққосалар репертуарида учратиш мумкин.

“Бухорча”нинг фақат аёллар, “Мавриги”нинг фақат эркаклар ижрочилигидан қарор топишининг ўз тарихий илдизлари бор. Борбад замонида шундай айирма бўлмаганлиги, қолаверса, унинг дастасида Саркаш, Саркаб, Ромтин, Бомшод сингари хушовоз ва хушнавоз эркак созандаю хонандалар сафида Гесуи Навогар ва Озодвори Чангий сингари раққоса ва ҳофизлар ҳам бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Бироқ ислом дини қабул қилингандан кейин аёллар “ичкари” турмуш тарзига ўтказила бошланди, ҳовлилар ҳам “ичкари” ва “ташқари” бўлмалардан иборат қилиб солиниб, “ичкари” – аёллар яшайдиган, “ташқари” – эркаклар яшайдиган жойга айлана борди. Натижада оилавий тўй ва маъракалар ҳам аёллар учун “ичкари”да, эркаклар учун “ташқари”да ўтказиладиган бўлди. Бу халқ ижрочилик санъатида аёллар базми учун алоҳида ва эркаклар базми учун алоҳида асарлар силсиласининг юзага келишига туртки бўлди. “Бухорча” ашула-рақс туркуми шу зайлда аёл созанда-ю хонандалар ва раққосалар репертуарида қарор топиб шаклланган бўлса, “Мавриги” фақат эркаклар ижрочилигида яшаб қолди.

Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, эрамиз бошларида, хусусан VI – VIII асрларда рақс кийимлари енгил, юпка ва жозибали матолардан тикилган бўлиб, асосан, раққос ёки раққоса қомати бутун бўю баста, кўкраклар, елка ва кураклар, бели, думбаси ифодаланган жонўртар ҳаракатларни ёрқин акс эттиришгагина хизмат қилган бўлса, ислом дини қабул қилингач раққосаларга зардўзлик билан зийнатланган оғир ва кенг кўйлак, лозим, пешонабоғ шиппак (кавш) кийдирилиб, ўша ҳаракатларни “ёпиш”га эришилган. Бунда рақс йўқолмаган, бироқ унинг ҳиссиёт ва ҳирсни уйғотувчи, қалбни жунбушга солувчи ҳаракатларигина оғир ва қалин кийим остида “қўмилиб” кетган. “Бухорча” ана шу мураккаб жараёнларни кечиб шаклланган ашула ва рақс туркуми сифатида ҳамон ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Мавригихонликда эркаклар, асосан, ёқаси айланма кўйлак, кенг лозим, хаворанг ҳисори адрасдан тикилган узун чопон (яхтак ё камзул), бошларига кулоҳ, оёқларига тумшуғи кўтарилган, бироқ соғиси узун бўлмаган этик кийганлар, фақат рақсга тушганда йигитлардан бири гоҳида бирор бола ёки аёл кийимини кийиб ўйнаган.

Мавригихонлар ижрочилик маҳоратларига қараб икки тоифага бўлинганлар. Биринчи тоифага, асосан, ширадор ва жарангли овозга эга бўлиб, ҳар бир кўшиқни қиёмига етказиб, булбул каби сержило нолалар билан куйлай билувчи юксак истеъдодга эга ҳофизлар мансуб бўлиб, улар халқ орасида марғулаҳон яъни овози сержило, товланишларга бой ҳофиз дейилса, бундай маҳоратга эга бўлмаган мавригихонлар эса иккинчи тоифага киритилиб ростхон, яъни шунчаки ижрочи сифатида эътироф қилинган[10].

Булардан ташқари ҳар иккала туркум ҳам ижрочилик шарт-шароитлари, ижро жараёни, кўшиқлар матни, оҳанги, созлар таркиби ва миқдори, усуллар ранг-баранглиги, ижрочилар сони билан ҳам бир-бирларидан фарқли хусусиятларга эга. “Мавриги” ижрочилигига аёллар аралашувидан бошлаб, уни 4 – 7 хонанда, созанда ва раққоса ижро этадиган бўлди. “Мавриги”ларнинг фақат доира жўрлигида ижро этиш қадимий анъаналардан бўлиб ҳисобланади.

Машҳур композитор ва дирижёр М.Ашрафий ва Ю.Кон ҳамкорликда ёзган ва юқорида эслатилган “Халқ мусиқий ижоди” мақолаларида таркибан шундай йўл тушишган. Улар ёзадилар: “... Бухорода кенг тарқалган катта бўлмаган кўшиқларнинг бирлашувидан туркумга айланган ва торли созлар, масалан, дутор ёки рубоб, баъзан фақат доира жўрлигидаги “Мавригихонлик”ни ҳам лирикага киритмоқ даркор. У рақсбоп ритмга эга бўлса-да, рақслар жўрлиги ижросида кўринмайди. “Мавригихонлик” Бухородагина кенг оммалашган, бошқа юртларга ҳам фақат шу жойдан тарқалган”[11]. Бу мулоҳазада иккита нотўғри қараш мавжуд: Биринчиси, “мавригихонлик”да дутор ёки рубоб сингари торли созларнинг қўлланиши ҳақидаги даъво мутлақо асоссиздир, зеро, асрлар давомида бутун туркум фақат доирагина эмас, балки қайроқ ва ноғора сингари урма чолғу асбоблари жўрлигида ижро этиб келингани рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Иккинчиси, “мавригихонлик”да рақс йўқлиги ҳақидаги даъво ҳам ҳақиқатга зид бўлиб, чунки унда асосан эркакларнинг ўзлари ижро жараёнида рақсга тушадилар, гоҳида ҳатто аёл кийимини кийиб раққослик қиладилар. Бу фикрни проф. Н.Нуржоновнинг қуйидаги мулоҳазаси яққол тасдиқлайди: “Мавриги силсиласига рақсбоп кўшиқлар бисёрдир, уларда матн ва оҳанг тез-тез алмашилиб туради. Ҳофизлар оҳанг бераётганда ва зарбдан зарбга кучаётганда доираларини қаттиқ-қаттиқ урадилар. Раққос эса ҳар сафар ўз ҳолати ва ҳаракатларини шу оҳанг ва зарбларга мувофиқлаштириб ўзгартириб боради”[12].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, проф. Ф.Кароматов “Мавриги”ларда “туркумийликка хос анъанавий асл белгилар сақланиб қолгани”ни қайд этиб, уни халқ ашула ва рақс туркуми деб атаса[13], проф. Н.Нуржонов уни фақат Бухоро шаҳри маҳаллий ижрочилигига хос жанр деб ҳисоблайди.

Ф.Кароматов таъкидлаганидек “Мавриги” халқ кўшиқ ва рақслар туркуми тарзида шаклланган бўлиб, қадимда уни тўрт доирадаст ҳофиз куйлаган, XX аср бошларига келиб уч ҳофиз доирадаст ижро эта бошлаган, чунки бир вақтга келиб алоҳида раққос ё раққосани жалб этиш мумкин бўлган. Мавригихонлар 4 ва 3 кишилик даста сифатида фаолият кўрсатсалар-да, уларда дастани бошқарувчи анъанавий раҳбар бўлмаган, дастадаги барча аъзолар тенг ҳуқуқли бўлиб, қай бири тўйга чорланса, ўша бошқа сафдошларни йиғиб, хизматга сафарбарликни ташкил этган. XX асрнинг 60 – 70-йилларига келиб, “Мавригихон”лар дастаси 6 ёки 7 кишилик ижрочилар гуруҳи даражасигача ўсди.

Мавригихонлик жараёнида рақсга аёлларни жалб этиш XX асрнинг 30 – 50-йилларида, хотин-қизларнинг паранжи зулмидан озод қилингани оқибатида кузатилган бўлса, мавригихонлик 1940 – 1950 йилларда аёллар репертуарига кўча бошлади.

Уларни замонлардан-замонларга, авлодлардан-авлодларга етказишда бухоролик ўзбеку тожик ҳам, эронияно яҳудий ҳам бир маромда хизмат қилган. Бу сафда XVIII – XX асрлар давомида Мулла Мухаммади зангбоз, рикобий ҳофизу созандалар Қоқо Мухаммад (1825 –

1900), Мирзо Муҳаммад, Ашурқори, Кўр Мирзо (1852 – 1917), Кўка Маъдали, шергиронлик Давлат Соҳиб (1830 – 1890), ғиждувонлик Уста Тўла ёки Тўла Ҳофиз (1858 – 1925), уста Муҳаммад Шоди (1920 – 1991), мўлиёнлик доирадаст ва хонанда Усто Эргаш, ушотлик Козим Раҳмон (1860 – 1900), Ғулом гармон, Кали Аббос, Кўр Остон, уста тезпар Абдулла Қурбон, Уста Ҳамро, хиёбонлик Мақсуми Равғон, Раҳим Дангиз, Бақожон Саъдуллаев, ошпаз Файзи Қурбон, бухоролик Раҳматжон Наимов (1909 – 1995), Қори Ҳабиб Неъматов (1910 – 1985), кафтавуллик Ҳайдар Шоди (1909 – 1991), ғиждувонлик маснавийхон Қори Рустам ёки Қори айнак, пешкўлик Уста Ориф, кафтавуллик Ашури Ғўлунги, ғурбунлик Қосимбобо Муҳсин, жўйборлик Маҳди Ибодов, Ҳожи Раҳмон, Алиризо Қурбон, Бобо Абдулло, Муҳсин Ҳожиев, Иброҳим Қосимов, кунжиқалғалик Исмоил Шариф (1912 – 1982), уста Болта Наврўзов (1904 – 1993), Аҳмад бобо Қосимов (1909 – 1991), Турсун Раҳматов (1902 – 1959), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ориф Атоев, Нишон Отамуродов, шунингдек, хонандалар Муродилла Норкулов (1937 – 1996), Аминжон, Омонжон, Муинжон ва Муроджон Насриддиновлар сулоласи, Толиб Жаъфаров ва Усмон Жабборов сингари турли миллат фарзандлари бор. Мана шу таркибнинг ўзиёқ “Мавриги”ларни тожик ёки форслар ижодиётининг маҳсули сифатида қарашнинг асосизлигини тасдиқлайди. Бу фикрни атоқли санъатшунос, профессор Ф.Кароматовнинг куйидаги мулоҳазаси ҳам тасдиқлайди: “Мавриги”да айтиладиган шеърлар, форс-тожик (аксарияти) ва ўзбек тилидаги фольклор намуналари шарқ классик шеърлигига мансуб бўлиб, айрим қисмлари маълум тилдаги (яъни тожик ёки ўзбек тилидаги) шеър билан доимий айтилиши ижрочилик тажрибасида кўпдан кўлланилиб келинган маълум анъана эканлигидан ҳам дарак беради. Масалан, биринчи қисми одатда ўзбек ё тожик тилидаги (ижрочи кайфияти ёки тингловчилар состави эътиборга олинган ҳолда) танлаб олинган шеър билан ижро этилса, биз ёзиб олган намунадаги еттинчи қисм учун эса “Энди мани ёр ўлдирса, ёр ўлдирсин” ва ундан кейин келадиган “Энди мани ёр” тусидаги ўзбек шеърларидан ўзгасини тасаввур этиш қийин. Бу эътирофнинг аҳамияти шундаки, ҳар қалай унда “Мавриги”лар таркибида ўзбек кўшиқлари борлиги инкор қилинмаяпти.

#### 4. Хулосалар:

Юқорида “Бухорча” ва “Мавриги” тароналарини ўрганишнинг илмий, таълимий, тарбиявий аҳамияти ҳақида якуний хулосаларга келинар экан, бу борада ҳозиргача амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Мақола таҳлили шуни кўрсатдики, истикболда соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилиши керак бўлган вазифалар талайгина эканлиги аён бўлди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Фольклори тожик. Тартибдиханда М.Турсунзода ва А.Н.Болдиров. – Сталинобод.: 1957.363-364 ст; Фольклори тожик// Хрестоматия .-Душанбе.: “Маориф”. 1985. -115-129 б ва - 250-252 бет; Фольклори Бухоро. Тузувчилар: Д.Обидов, Ж.Рабиев Ж.Б.Шермухаммадов Душанбе: “Ирфон”. 1989. -25-59 бет.(араб алифбосида). (Tajik folklore. Edited by M.Tursunzoda and A.N.Boldirov. - Stalinabad.: 1957.363-364 pages; Tajik folklore// Chrestomatiya .-Dushanbe.: "Education". 1985. -115-129 pages and - 250-252 pages; Folklore of Bukhara. Compilers: D. Obidov, J. Rabiev J. B. Shermukhammadov. Dushanbe.: "Irfan". 1989. - pages 25-59 (in Arabic alphabet.)
2. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. – Тошкент.:“Ўқитувчи” нашриёти.1996.-114-116 б. (Н. Hamidov. History of Uzbek traditional singing culture. - Tashkent.: "Teacher" publishing house. 1996.-114-116 pages.)
3. Мирза Салимбек. Кашкули Салимий. –Когон.: Тошбосма нашри. 1915. (Mirza Salimbek. Kashkuli Salimiy. -Kogon.: Lithograph edition. 1915.)
4. Пўлат Солиев. Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси. –Тошкент.: 1925.– 10 бет; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Том II. Часть I. - Москва.: 1963.- 280 ст. (Pulat Soliev. Land of Bukhara during the reign of the Mangits. -Tashkent.:

- 1925.- 10 pages; Barthold V.V. History of cultural history of Turkestan Soch. Volume II. Chast I. - Moscow.: 1963.- 280 pages;
5. Ўзбекистон СССР тарихи. – Тошкент: Фан, 1957.- 47 бет. (History of Uzbekistan USSR.- Tashkent: Fan, 1957.- 47 pages.)
  6. Нуржонов Н. “Уштур ва чаман ” дур аз Бухоро. – Тошкент: “Адабиёт ва санъати” нашриёти, 1990. - 48 ст. (Nurjanov N. "Ushtur ba chaman" ... in Bukhara, or Borbad, a noble place of music. -Tashkent.: "Literature and Art". 1990.-48 pages.)
  7. Тожиқова З. Мавригихоний. Энциклопедияи адабиёти ва тожик. Жилд 2. – Душанбе.: 1989. – 122 ст. (Tojikova Z. Mavrigikhani. Encyclopedia of literature and Tajik. Volume 2. – Dushanbe.: 1989. – 122 pages.)
  8. Музыкальная фольклористика в Узбекистане (Первые записи). –Тошкент.: 1963. -117 ст. А.Эйхгорнинг асари аслида инглиз тилда бўлиб, 1963 йилда рус тилига ўгирилиб, “Музыкальные этнографические материалы” номи остида мазкур тўпламда эълон қилинган.(Musical folklore in Uzbekistan (Pervye zapisi). -Tashkent.: 1963. -117 pages. A. Eukhgor's work was actually in English, translated into Russian in 1963 and published in this collection under the name "Muzykalnye etnograficheskie materialy".)
  9. Нуржонов Н. “Уштур ба чаман ” ...дур аз Бухоро ёхуд нишоне аз мусиқии зодгоҳи Борбад. –Ташкент.:“Адабиёт ва санъат”. 1990.-48 бет (Nurjanov N. "Ushtur ba chaman" ... in Bukhara, or Borbad, a noble place of music. -Tashkent.: "Literature and Art". 1990.-48 pages.)
  10. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. – Тошкент.:“Ўқитувчи” нашриёти.1996.-115 б. (Hamidov H. History of Uzbek traditional singing culture. - Tashkent.: "Teacher" publishing house. 1996.-115 pages.)
  11. Музыкальная культура Советского Узбекистана. Очерки. –Ташкент.: 1955. – 37 ст.(Musical culture of Soviet Uzbekistan. Essay. -Tashkent.: 1955. - 37 pages.)
  12. Нуржонов Н. “Уштур ба чаман ” ...дур аз Бухоро ёхуд нишоне аз мусиқии зодгоҳи Борбад. –Ташкент.:“Адабиёт ва санъат ”. 1990 .-48 б.(N.Nurjanov "Ushtur ba chaman" ... in Bukhara, or Borbad, a noble place of music. -Tashkent.: "Literature and Art". 1990.-48 pages.)
  13. Ф.Кароматов . Ўзбек халқ мусиқа мероси. II том. – Тошкент.:1980 – 20 бет.( F. Karomatov. The heritage of Uzbek folk music. Volume II. - Tashkent.: 1980 - 20 pages.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000